



МУНДАРИЖА

1.	Шартнома мазмуни	2
2.	Тушунча ва терминлар	3
3.	Умумий қоидалар	5
4.	Томонларнинг мажбуриятлари	6
5.	Томонларнинг ҳуқуқлари	10
6.	МКҲР бўйича комплаенс чоралар	12
7.	Ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари	13
8.	“Visa infinite” ва “mastercard world elite” премиум картаси хизматларини мижозларга тақдим этиш шартлари	15
9.	Томонларнинг жавобгарлиги	16
10.	Коррупцияга қарши шартлар	17
11.	Даъво аризалари бериш ва низоларни ҳал этиш тартиби	18
12.	Шартноманинг амал қилиш муддати, уни тугатиш ва ўзгартириши шартлари	19
13.	Якуний қоидалар	20
14.	Манзил ва банк реквизитлари	21

Жисмоний шахсларга банкнинг махсус карта ҳисоб рақамини (МКХР) очиш, банк картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ

“Ориент Финанс” ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб аталувчи, бир томондан, ҳамда мазкур Жисмоний шахсларга банкнинг махсус карта ҳисоб рақамини (МКХР) очиш, банк картларини чиқариш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига Қўшилиш шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) шартномага қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истagini билдирувчи Жисмоний шахс, кейинги ўринларда Карта эгаси деб аталувчи, иккинчи томондан қуйидаги келишувга розилик билдирдилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1.** Шартнома Жисмоний шахсга махсус карта ҳисоб рақамини (кейинги ўринларда – МКХР) очиш ва юритишнинг стандарт (наъмунавий) шартларини, шу жумладан ҳисоб рақам бўйича миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун банк карталарини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш шартларини белгилайди. Барча шартлар ушбу Шартнома ва унинг иловаларида батафсил баён этилган.
- 1.2.** Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Карта эгасининг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.
- 1.3.** Карта эгаси томонидан Аризани тўлдирилиши ва имзоланиши Карта эгасининг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлайди. Аризани имзолашда Карта эгаси томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.
- 1.4.** Шартнома, жумладан Банк Қоидалари ва Тарифлар (амалдаги таҳрири) билан Карта эгасини таништириб чиқиш мақсадида уларнинг матни Банк офисларининг ахборот деворларида ва Банкнинг корпоратив сайти www.ofb.uz да жойлаштирилади, шунингдек Банк масъул ходимида Карта эгасининг талабига биноан тақдим қилиш учун сақланади.
- 1.5.** Ушбу Шартномани тузишдан олдин Карта эгасига Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиш ҳуқуқига эга. Ҳужжатлар Банк офисларидаги ахборот деворларида ва Банкнинг корпоратив сайти www.ofb.uz да жойлаштирилади ва Карта эгаси сўровига биноан бошқа шаклда тақдим қилинади. Банк Қоидалари матни Карта эгасига Карта билан биргаликда тақдим этилади.
- 1.6.** Агар Карта эгасига мазкур шартнома таркибига кирмайдиган, Банк ва Мижоз ўртасида аввал тузилган шартномага мувофиқ Карта чиқарилган бўлиб, картани қайта чиқаришга берилган аризага мувофиқ Картани қайта чиқариш амалга оширилаётган бўлса, Карта эгаси аввал тузилган шартнома мазкур шартномага мувофиқ янги таҳрирда тузилишига розилигини англатади ва унинг шартлари Карта қайта чиқарилган санадан бошлаб амал қилади.
Бундай ҳолларда Томонлар Карта қайта чиқарилган пайтдан бошлаб Банк ва Мижоз ўртасида аввал тузилган шартнома ўз кучини йўқотишига розилик билдирадилар ва буни тасдиқлайдилар.
- 1.7.** Шартномани тузиш учун Жисмоний шахс мазкур шартноманинг 1-сонли Иловасида белгиланган шаклда Шартномага қўшилиш арсизасини 2-та

нусхада имзоланган ҳолтада Банкка тақдим этади. Аризага Картани чиқариш ва МКХР очиш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилинади. Шартнома Аризанинг иккала нусхаси банкнинг ваколатли вакили томонидан имзоланган ва имзоланган аризанинг бир нусхаси Жисмоний шахсга тақдим қилинган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

2. ТУШУНЧА ВА ТЕРМИНЛАР

2.1. **Банк** – “Ориент Финанс” ХАТБ

2.2. **Шартнома** - Қуйидаги ҳужжатлар мажмуи:

- МКХР очиш, банк картасини чиқариш ва хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига олган мазкур шартнома;
 - Картадан фойдаланиш қоидалари;
 - Жисмоний шахсларга банкнинг махсус карта ҳисоб рақамини (МКХР) очиш, банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига қўшилиш учун Ариза;
 - картани қайта чиқариш учун Ариза;
- ушбу ҳужжатлар ягона шартнома ҳужжатини шакллантиради.

2.3. **Карта (миллий ва халқаро тўлов тизимларининг пластик ва виртуал картаси)** - Банк томонидан Карта эгаси номига чиқарилган миллий валюта - сўм ёки хорижий валютадаги (халқаро карталар) банк карта. Карта Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига Банк томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун берилади электрон терминаллар, банкомат ва алоқа каналлари орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, нақд пул олиш, валюта айирбошлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш воситаси. Банк картаси дебет, кредит ва виртуал (жисмоний қурилмасиз) бўлиши мумкин.

2.4. **Карта эгаси** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тўлиқ муомила лаёқатига эга бўлган, аризани имзолаш орқали ушбу шартнома шартлари ва картадан фойдаланиш қоидаларига розилик билдирган, номига махсус карта ҳисоб рақами (МКХР) очилган ва картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширадиган жисмоний шахс. Карта эгаси картанинг хавфсизлиги ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлиги учун жавобгардир.

2.5. **PIN код** – бу фақат Карта эгасига маълум бўлган ва нақд пулсиз операциялар пайтида шахсни тасдиқлаш учун ишлатиладиган махфий код. PIN-код сир сақланиши ва учинчи шахсларга берилмаслиги керак. Агар PIN-код бир неча бор нотўғри киритилса, карта блокляниши мумкин.

2.6. **Миллий тўлов тизимлари (МТТ)** – UZCARD ва HUMO маҳаллий тўлов тизимлари.

2.7. **Халқаро тўлов тизимлари (ХТТ)** - MasterCard, VISA ва China UnionPay – халқаро тўлов тизимлари.

2.8. **ХТТ Қоидалари** - Тизимнинг ишлашини, тўловларни амалга оширишни, низоларни ҳал қилишни, тўлов тизимида иштирок этиш шартларини, ахборот хавфсизлиги талабларини ва бошқа қоидаларни белгилайдиган ХТТ қоидалари ва тартиботлари мажмуи.

2.9. **Банк Қоидалари** - Ушбу шартноманинг 1-иловасида келтирилган банк картасидан фойдаланиш қоидалари унинг ажралмас қисми бўлиб, картадан фойдаланиш тартибини, Тарафларнинг жавобгарлигини ва

- Банк ва Карта эгаси ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа шартларни белгилайди (**ушбу шартномага 1—сонли Илова**).
- 2.10. UZCARD ва HUMO процессинг тизими (МТТ)** - “Ягона умумреспублика процессинг маркази” АЖ (ЯУПМ) (UZCARD) ёки “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ (МБПМ) (HUMO) микропроцессорли карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди, иштирокчи-банклар билан шартномавий муносабатга эга бўлган ва транзакцияларнинг ахборот клирингини таъминлайди.
- 2.11. Процессинг тизими (ХТТ)** - Карта ёрдамида операцияларни амалга ошириш, операциялар ҳисобини юритиш, банк карталаридан фойдаланиш шартларини аниқлаш, шунингдек ХТТ ва бошқа тўлов тизимлари аъзолари билан ҳисоб китобларни амалга ошириш имконини берувчи Банк процессинг марказининг дастурий-техник мажмуаси.
- 2.12. Махсус карточка ҳисобварағи (МКХР)** - бу банк томонидан Карта эгаси учун очилган ва ушбу карта ёрдамида амалга оширилган барча операцияларни, шу жумладан товарлар ва хизматлар учун тўловларни, нақд пул маблағларини олиш ва шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи.
- 2.13. Томонлар** - Банк, Карта эгаси.
- 2.14. Тарифлар** – бу Мижоз томонидан банк хизматлари учун тўланадиган, Банк томонидан тасдиқланган ҳақ ва бошқа тўловлар миқдорлари рўйхати. Тарифлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк томонидан бир томонлама ўзгартирилиши мумкин. Банкнинг жорий тарифлари Банк расмий веб-сайтида еълон қилинади ва/ёки Мижозга унинг сўрови бўйича тақдим этилади.
- 2.15. Техник (рухсатсиз, берухсат) овердрафт** - бу махсус карта ҳисобварағидаги мавжуд қолдиқдан ошадиган миқдордаги карта операциялари натижасида юзага келадиган салбий қолдиқ. Техник овердрафтнинг пайдо бўлишининг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин, шу жумладан рухсатсиз тўловлар, валютани конвертация қилиш пайтида валюта курси фарқлари, картани сақлаш тўловларини тўлаш ва бошқа операциялар. Карта эгаси ушбу шартнома шартларига мувофиқ вужудга келган техник овердрафтни тўлаши шарт.
- 2.16. Токен** – Бу банк картаси реквизитларининг рақамли тасвири бўлиб, Мижоз/ Карта эгаси томонидан маълум ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг шаклланади. Токен ўз ичига тўлов маълумотини шифрланган ҳолда олади. Карта рақамлаштирилиши/токенлаштирилиши мумкин (digitalized).
- 2.17. Токенлаштириш** – бу карта маълумотларини ХТТ хизматлари томонидан бериладиган Токен билан алмаштириш орқали ҳимоя қилиш тизимидир.
- 2.18. Код сўзи** – бу банк картасини чиқаришда Мижоз томонидан танланган ноёб рақамлар ва/ёки ҳарфлар тўплами. Код сўзи Банкка телефон орқали мурожаат қилишда Мижозни аниқлашнинг (идентификация қилишнинг) қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилади ва унинг шахсини ва банк операцияларини амалга ошириш ваколатини тасдиқлаш учун қўлланилади.
- 2.19. Жисмоний шахсларга банкнинг махсус карта ҳисоб рақамини (МКХР) очиш, банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига қўшилиш шартномасига қўшилиш бўйича Ариза (Кейинги ўринларда**

- **Ариза)** – бу Жисмоний шахс томонидан Банкка тақдим этилган ҳужжат бўлиб, ушбу шартномада ва унинг иловаларида кўрсатилган банк картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш шартларига ўзининг сўзсиз розилигини билдирувчи ҳужжат. Ариза махсус карта ҳисобварағини очиш ва картани чиқариш учун асос деб ҳисобланади. **(Ушбу шартномага 2-илова).**

- 2.20. Камаймайдиган қолдиқ** – бу Мижознинг махсус карта ҳисобварағида доимо бўлиши керак бўлган минимал пул миқдори. Ушбу пул маблағларидан картада операцияларни амалга ошириш учун фойдаланилмайди ва шартноманинг амал қилиш муддати давомида махсус карта ҳисобварағида сақланади.
- 2.21. 3-D Secure** - бу халқаро банк карталари билан онлайн тўловларни амалга оширишда қўшимча ҳимояни таъминлайдиган халқаро хавфсизлик стандарти.
- 2.22. CVV (CVC) код** – бу банк картасининг орқа томонида жойлашган уч хонали хавфсизлик коди. Ушбу код Карта эгаси томонидан онлайн тўловларни амалга оширишда шахсини тасдиқлаш учун хизмат қилади ва 3-D Secure хавфсизлик тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. 2.20. CVV (CVC) коди махфий маълумотдир ва ушбу маълумот ҳеч қачон учинчи шахсларга берилмаслиги лозим.
- 2.23. Слип** – бу тўлов терминали ёки банкоматда банк картаси билан операция амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Слипда операцияни аниқлаш учун зарур бўлган миқдор, сана, операция тури ва бошқа тафсилотлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Слип қоғоз ва электрон шаклда бўлиши мумкин ва онлайн-банк карта операциялари тарихида сақланади.
- 2.24. Фармойиш** - электрон тўлов воситаси ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизими (МХК) дан фойдаланганда эгасининг розилигини ифодаловчи тўловни амалга ошириш тўғрисида банкка берган топшириғи.
- 2.25. Тўлов** - пул мажбуриятини нақд пулда бажариш ёки пул маблағларини тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш.
- 2.26. Тўлов инструменти** – бу тўловни амалга оширишда ишлатиладиган ҳар қандай восита, шу жумладан банк карталари, электрон пуллар, тўлов топшириқлари ва бошқа шунга ўхшаш воситалари.
- 2.27. Премиум карта** – бу Карта эгасига ушбу шартноманинг 8-бўлимида кўрсатилган қўшимча имтиёзлар ва хизматларни тақдим этадиган банк картаси.
- 2.28. Халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар** (кейинги ўринларда “Санкциялар”) – бу бир ёки бир нечта давлатлар томонидан бошқа давлатга ёки унинг резидентларига/фуқароларига нисбатан қўлланиладиган иқтисодий чоралар. Санкциялар савдо, молиявий ва бошқа иқтисодий операцияларни тақиқлаш ёки чеклашда ифодаланиши мумкин.
- 2.29. Санкцияларни четлаб ўтиш** – карта эгасининг ҳукумат ёки халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатлар ҳукумати томонидан ўрнатилган чекловларни четлаб ўтиш мақсадида транзакция тафсилотларига ҳуқуқий мақом бериш йўли билан муайян операцияларни била туриб амалга оширишга қаратилган ҳаракати.

2.30. Токен – это цифровой аналог, содержащий в себе платежную информацию. Карта может быть оцифрована/токенизирована (digitalized).

2.31. Токенизация – это система защиты реквизитов Карты путем замены этих реквизитов Токеном, предоставляемым сервисами МПС.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Жисмоний шахснинг (Карта эгасининг) Аризасига мувофиқ Банк карта ёки карталар чиқаради ва унинг номига МКХР ёки бир нечта МКХР очади ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, ушбу шартнома, Банк қоидалари, МТТ ва ХТТ қоидалари, ҳамда Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ МКХР ва Картага банк хизматларини кўрсатади.

3.2. Банк томонидан Карта эгасига МКХР очиш фақат қуйидаги шартлар бажарилган тақдирдагина амалга оширилади:

3.2.1. Идентификация тартибидан ўтиш.

3.2.2. МКХР очиш учун зарур бўлган тўлиқ ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш.

3.3. Мижоз картани олгандан сўнг, у Банкнинг мобил иловасига бириктиради, бироқ:

3.3.1. нофаол (актив бўлмаган) ҳолатда акс этади;

3.3.2. реквизитлари кўрсатилмайди;

3.3.3. «Фаоллаштириш» (Активировать) тугмаси мавжуд бўлади.

3.4. Картани фаоллаштириш учун мижоз:

3.4.1. «Фаоллаштириш» тугмасини босади;

3.4.2. картанинг охириги 4 та рақамини киритади (бу маълумот фақат карта жисмоний тарзда олингандан кейингина мавжуд бўлади);

3.4.3. илова орқали шахсий ПИН-кодни ўрнатади.

3.5. ПИН-код муваффақиятли киритилгандан сўнг карта фаол ҳолатга ўтади ва мижоз унинг реквизитларини кўриши, операцияларни амалга ошириши ҳамда ундан тўлиқ ҳажмда фойдаланиши мумкин бўлади.

3.6. Юқоридаги имконият фақат Банкнинг мобил иловаси орқали онлайн идентификациядан тегишли тарзда ўтган шахслар учунгина амал қилади.

3.7. Банк виртуал ва пластик карталарни чиқаради ва уларга хизмат кўрсатади, жумладан:

— MasterCard;

— VISA;

— China UnionPay

— UZCARD

— HUMO

3.8. Картани чиқариш, МКХР ва Картага хизмат кўрсатиш, МКХР бўйича операцияларни амалга ошириш учун, Банк Карта эгасидан амалдаги Банк Тарифларига мувофиқ ҳақ ундиради.

3.9. Карта банкнинг мулки ҳисобланади ва Карта эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун топширилади.

3.10. Банк ўз хоҳишига кўра ва ҳеч қандай сабаблар кўрсатмасдан, Аризада кўрсатилган телефон орқали ва/ёки банкка шахсан мурожаат қилиб ва/ёки СМС-хабарлар юбориб, эгасига картани беришни (қайта чиқаришни) ва/ёки беришни рад этиши мумкин.

3.11. Карта эгаси томонидан фойдаланилаётган картанинг амал қилиш муддати тугагач, Карта эгаси картани қайта расмийлаштириш учун ёзма

ариза бериши мумкин. Банк бундай аризани кўриб чиқади ва кейинги давр учун янги картани чиқариш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Карта эгаси қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. МКХР очиш ва картани олиш учун, Банкка:

- Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли;
- Жисмоний шахсларга банкнинг махсус карта ҳисоб рақамини (МКХР) очиш, банк карталарини чиқариш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига қўшилиш шартномасига қўшилиш учун ариза;
- Банк талабларига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин.

4.1.2. Ариза топширишдан олдин ушбу шартнома шартлари, банк қоидалари ва банкнинг жорий тарифлари билан диққат билан танишиб чиқиши керак;

4.1.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, МТТ ва ХТТ қоидалари, Банк қоидалари ва шартнома шартларига мувофиқ Банк томонидан берилган картани қабул қилиш ва ундан фойдаланиш. Карта эгаси карта ёрдамида амалга оширилган барча операциялар, шу жумладан, Карта эгасигининг рухсати ёки розилигисиз амалга оширилган операциялар учун тўлиқ молиявий жавобгар деб ҳисобланади;

4.1.4. Аризада кўрсатилган маълумотлар (Ф.И.Ш, яшаш ва рўйхатдан ўтган манзили, эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, телефон рақамлари ва бошқа тафсилотлар) ўзгарганда, бундай ўзгаришлар бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш. Ушбу бандда кўрсатилган маълумотларни банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим қилмаслик натижасида юзага келган барча хавф-хатарлар учун Карта эгаси жавобгар бўлади;

4.1.5. Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ комиссиялар, фоизлар ва жарималарни ўз вақтида Банкка тўлаш. Агар Банкнинг тарифларида абонент тўлови (ойлик ёки йиллик) белгиланган бўлса, абонент тўлови олдиндан ундирилади;

4.1.6. Картани учинчи шахслар фойдаланиши ва ихтиёрига топширмаслик, Картанинг PIN-коди ва реквизитлари ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш. Карта Эгаси ушбу банднинг бузилиши натижасида юзага келадиган ҳар қандай оқибатлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;

4.1.7. “СМС-банкнинг” хизмати ва/ёки банкнинг мобил иловаси ўрнатилган мобил телефон рақамини учинчи шахслар томонидан ишлатилишда йўл қўймаслик;

4.1.8. “СМС-банкнинг” хизмати уланган ва/ёки банкнинг мобил иловаси ўрнатилган мобил телефон рақамидан фойдаланиш тўхтатилганлиги ҳақида банкга ёзма хабар бериш;

4.1.9. Рухсатсиз кириш, ёки Карта/МКХРдан рухсатсиз фойдаланиш бўйича шубҳа туғилганда, улар орқали рухсатсиз операциялар амалга оширилганда, дарҳол Банкни хабардор қилиш ва Картани блоклаш бўйича чоралар кўриш;

4.1.10. Банкдан фирибгарлик операцияларининг олдини олиш учун картадан фойдаланишни тўхтатиш зарурлиги тўғрисида ҳар қандай билдиришнома (ёзма, СМС, қўнғироқ, push-билдиришнома ёки бошқа) олинганидан сўнг,

- Карта эгаси картадаги барча операцияларни дарҳол тўхтатиши ва батафсил маълумот олиш учун Банк билан боғланиши шарт;
- 4.1.11.** Картага техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ СМС-хабарларда олинган фойдаланувчи номлари, тасдиқлаш кодлари, пароллар ва бошқа махфий маълумотларни учинчи шахсларга (шу жумладан Банк ходимларига) ошкор қилмаслик ёки ўтказмаслик. Ушбу маълумотларнинг ошкор етилиши мижознинг ҳисоб рақамларига рухсатиз киришга ва маблағларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида СМС орқали келган кодларни (логинлар, пароллар ва бошқа шахсий маълумотлар) учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.
- 4.1.12.** Картани олгандан сўнг, Карта эгаси картанинг орқа томонидаги махсус белгиланган майдончага ўз имзосини қўйиши шарт;
- 4.1.13.** Чет элга саёҳат қилишдан олдин, Карта эгаси Банк томонидан тақдим этилган банк карталарида фирибгарлик хавфи юқори бўлган мамлакатларнинг амалдаги рўйхати билан танишиши ва ушбу мамлакатларда картадан фойдаланишда тегишли чораларни кўриши шарт.
- 4.1.14.** Агар банк картаси ёрдамида тўловни амалга оширган ҳолда буюртма қилинган маҳсулот/хизматни сотиб олишдан бош тортса, тўланган пулни нақд пулсиз тарзда ҳисобвараққага кирим қилиш йўли билан қайтарилишини савдо нуқтасидан талаб қилиш;
- 4.1.15.** Карта маълумотларининг махфийлиги, шу жумладан PIN-код, CVV/CVC-ва онлайн тўловлар учун паролларини (3D Secure) сақлаш учун оқилона чораларни кўриш. Карта эгаси кўрсатилган маълумотларни учинчи шахсларга тақдим қилмаслиги, учинчи шахслар учун очиқ бўлган жойларда ёзиб олмаслиги ёки Интернет сайтларидаги шаклларни автоматик тўлдириш учун ишлатмаслиги керак;
- 4.1.16.** МКХР бўйича ижобий баланс доирасида операцияларни амалга ошириш. Агар техник овердрафт юзага келса, техник овердрафт юзага келган кундан бошлаб 14 календар кун ичида уни тўлаш;
- 4.1.17.** МКХР бўйича операцияларни мустақил назорат қилиш, тўлов инструменти (терминал, импринтер, банкомат ва бошқа қурилма)да шакллантирилган чекларни сақлаш. Карта ёрдамида амалга оширилган барча операциялар учун жавобгар бўлиш;
- 4.1.18.** Карта рақами блока қўйилган ёки Стоп-лист рўйхатида жойлаштирилгангунига қадар учинчи шахслар томонидан йўқотилган карта бўйича амалга оширилган барча операциялар натижасида юзага келган Банк харажатларини қоплаш;
- 4.1.19.** Карта йўқолган, ўғирланган ёки PIN-код ошкор қилинган тақдирда, Карта эгаси дарҳол Банкни ҳар қандай усулда хабардор қилиши керак (телефон орқали, Банк офисига ташриф буюриб ва ҳоказо.). Картани блокировка қилиш учун Карта эгаси керакли маълумотларини (аризада кўрсатилган код сўзи) идентификация учун тақдим қилиши керак. Карта эгаси томонидан Банкнинг колл марказига телефон қилиш орқали банк картасини блокировка қилиш тўғрисидаги оғзаки аризаси, Карта эгаси томонидан 3 (уч) банк куни ичида Банкка ёзма равишда тақдим қилиш керак. Ёзма ариза ўз вақтида тақдим қилинмаса Банк карта блокировкасини рад этиш деб ҳисоблаши мумкин.

- 4.1.20.** Картани унинг амал қилиш муддати тугаганидан, шартнома бекор қилингандан сўнг, шунингдек, карта шикастланган ёки механик зарар кўрган ёки илгари йўқотилганлиги эълон қилинган карта топилган тақдирда Банкка қайтариш;
- 4.1.21.** Картадан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш билан боғлиқ Банкнинг ҳақиқатда қилган ҳаражатлари, шунингдек ушбу шартнома шартлари Карта эгаси томонидан бузилиши натижасида Банкнинг йўқотишларини қоплаш;
- 4.1.22.** МКХРга маблағлар нотўғри ўтказилган тақдирда, Карта эгаси Банк томонидан нотўғри ўтказилган пул маблағлари тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида маблағларни Банкка қайтариши шарт. Тўловни Банк ҳисоб рақамига ўтказиш ёки Банк билан келишилган бошқа йўл билан амалга ошириш мумкин;
- 4.1.23.** Карта токенлаштирилганда Карта эгаси:
- 4.1.23.1. Қурилмани ихтиёрий равишда учинчи шахсга тақдим қилганида, мобил илова /Токенни ўчириши ёки **4.1.24**-бандга мувофиқ вақтинча блокировка қилиши керак;
- 4.1.23.2. Қурилма йўқолган/ўғирланган ва/ёки токен бузилган тақдирда, **4.1.24**-бандга мувофиқ Токенни ўчириш / блоклаш керак.
- 4.1.24.** Картани йўқотиш / ўғирлатиш/ қурилмани ихтиёрий равишда тақдим қилиш / қурилмани йўқотиш / ўғирлаш ва / ёки Токенни бузиш ҳолатларида дарҳол қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш лозим:
- 4.1.24.1. картани / Токенни блокировка қилиш учун ёзма ариза билан банкнинг исталган бўлимига мурожаат қилинг. Аризада Карта эгасининг фамилияси, исми ва шарифи ва блокировка сабаби кўрсатилган;
- 4.1.24.2. мобил ёки интернет банкинг орқали картани/Токенни блоклаш;
- 4.1.24.3. Банк алоқа маркази (Банк веб-сайтида кўрсатилган) телефон рақамларига ёки 4004 қисқа рақами орқали код сўзи ва / ёки мижознинг қўшимча шахсий маълумотлари (шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, алоқа маълумотлари, ҳисоб ҳаракати) ёрдамида картани/ Токенни блокировка қилиш учун мурожаат қилиш.
- 4.1.25.** Мустақил равишда солиқ органлари билан барча ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- 4.1.26.** Банкдан мазкур шартнома бекор қилиниши бўйича ёзма хабарнома олгандан сўнг, 10 (Ўн) календар куни ичида Карта эгаси учун мазкур шартнома бўйича чиқарилган барча карталарни Банкка қайтариш;
- 4.1.27.** Банкнинг расмий веб-сайтига мунтазам равишда ташриф буюриб, Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар, Банк қоидалари ва Банк тарифлари тўғрисидаги маълумотларни текшириш. Банк Карта эгасига ушбу бандда қайд этилган амалиётни ойига камида бир марта амалга оширишни тавсия этади;
- 4.1.28.** Вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилиш мақсадида Карта эгаси МКХР бўйича слиплар, квитансиялар, ҳисобварақлар ва амалиётларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни сақлаб қўйиши лозим.
- 4.2. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:**
- 4.2.1.** Карта эгасидан Ариза қабул қилингандан сўнг, унга 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, агар бундай Ариза Банкнинг минтақада (вилоятлар) жойлашган таркибий бўлинмалари орқали қабул қилинган бўлса бу муддат 10 иш кунидан ошмаган муддатда, МКХР очиш ва Карта орқали

- операцияларни амалга оширишда фойдаланиш учун Карта тақдим этиши лозим;
- 4.2.2.** Карта эгасига туну-кун давомида Карта йўқолганлиги ва/ёки Картадан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида хабарнома йўллаш имкониятини яратиш;
- 4.2.3.** Карта йўқолганлиги, ўғирланганлиги ва/ёки картадан рухсатсиз фойдаланилиши тўғрисида Карта эгаси ёки иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартнома тузилган Корхонанинг аризасига мувофиқ Картани блокка қўйиш;
- 4.2.4.** Карта эгасининг оғзаки илтимосига биноан 3 (Уч) банк кунигача вақтинча блокировка қилиш. Оғзаки қилинган мурожаатни тасдиқлаш учун Карта эгаси белгиланган муддат ичида Банкка ёзма ариза топшириши керак. Ёзма аризаси тақдим қилинмаса, Банк картани блокировкадан чиқариш ҳуқуқига эга.
- 4.2.5.** Карта эгасини Картадан фойдаланиш қоидалари ва Банкнинг амалдаги Тарифлари билан таништириш;
- 4.2.6.** Карта эгасига картадан фойдаланиш шартлари, хавфсизлик чоралари, эътироз аризаларини бериш усуллари ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган Банк картасидан фойдаланиш қоидалари билан электрон шаклда банкнинг расмий веб-сайтида ёки Мижой сўровига асосан қоғоз шаклда бериш орқали танишиш имкониятини таъминлаш.
- 4.2.7.** МКХРдаги қолдиқ маблағлари миқдорида Картадан фойдаланган ҳолда бажарилган операциялар бўйича ҳисоб-китобни амалга оширилишини таъминлаш;
- 4.2.8.** Карта эгасининг фойдасига олинган маблағларни, Банк томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари (тўлов топшириқлари, ўтказмалар ва бошқалар) олинган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида.), ҳисоб очилган валютадаги карта ҳисобварағига ўтказиш. Маблағлар автоматик равишда ҳисоб рақамга ўтказилади, Карта эгасидан ёки бошқа шахслардан қўшимча тасдиқлаш талаб қилинадиган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.2.9.** Карта эгасини Банк Тарифлари ва Қоидаларига киритилган барча ўзгаришлар тўғрисидаги Банкнинг бўлимларида, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайти - www.ofb.uz маълумотларни жойлаштириш йўли билан хабардор қилиш ;
- 4.2.10.** Карта эгасига тегишли банк сирини ташкил қилувчи маълумотларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ сир сақланишини кафолатлаш;
- 4.2.11.** Шартнома бекор қилинган (МКХР ёпилган) тақдирда Карта эгасига Картадан фойдаланиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар тўлиқ тугаллангандан, шунингдек Шартнома бўйича барча мажбурияталар бажарилгандан сўнг Картадаги қолдиқ пул маблағларини қайтариш. Бу ҳолда, Банк картаси банкка қайтарилган ва/ёки қайтарилмаган Картани локал (халқаро) стоп-листга киритилган пайтдан бошлаб 30 календар куни ўтгандан кейин қолдиқ пул маблағлари қайтариб берилади.
- 4.2.12.** Карта эгасининг талабига биноан амалдаги қонунчиликка мувофиқ карта ҳисобварағидан кўчирмалар, картадаги операцияларни тасдиқловчи тўлов ҳужжатларининг нусхалари, шунингдек картадан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа маълумотларни тақдим етиш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Карта эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 5.1.1.** Карта бўйича операциялар, кирим ва дебет қилинган пул маблағлари тўғрисида белгиланган давр учун маълумотларни ўз ичига олган карта ҳисобварағидан кўчирма олиш. Кўчирма амалдаги тариф бўйича хизмат учун тўлов олиниши шарти билан Банк офисига шахсан мурожаат қилганда қоғоз шаклида тақдим этилади.
- 5.1.2.** Карта ҳисобварағидаги пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ эркин тасарруф этиш. Хусусан, Карта эгаси қуйидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:
- чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, шу жумладан Интернет тармоғида товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
 - коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
 - банкоматлар ва нақд пул олиш пунктларида нақд пул олиш;
 - бошқа ҳисобларга пул ўтказмаларини амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу шартнома шартларига зид келмайдиган бошқа операцияларни амалга ошириш.
- 5.1.3.** Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ Картадан фойдаланган ҳолда МКХРдаги қолдиқ пул маблағлари доирасида товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, банкоматларда нақл пул маблағларини ечиш.
- 5.1.4.** Нақд пул ва нақд пулсиз шаклда маблағларни МКХРга кирим қилиш.
- 5.1.5.** Берилган кўчирмадан норози бўлганда ёки амалга оширилган операциялар бўйича низоли ҳолатлар юзага келганда Банкка ёзма равишда шикоят тақдим этиш.
- 5.1.6.** Карта йўқотилганда (ўғирланганда) ёки амал қилиш муддати тугаган тақдирда Картани қайта чиқариш учун Банкка тегишли ариза билан мурожаат қилиш.
- 5.1.7.** Банкка тегишли ёзма ариза бериш орқали Картани тўхтатиб қўйиш (блоклаш) ёки унинг амал қилиш муддатини, ёки МКХР бўйича операцияларни амалга оширишни тўхтатиш, ёки шартномани олдиндан бекор қилиш.
- 5.1.8.** Асосий МСКХРга боғланган қўшимча банк картасини очиш.
- 5.1.9.** Картадан фойдаланиш, шу жумладан токенлаштириш пайтида Карта эгаси нақд пулни бир неча усул билан олиши мумкин:
- 5.1.9.1. нақд пул олиш пунктлари орқали;
 - 5.1.9.2. Банкомат (АТМ машинаси) /бошқа қурилмалар орқали;
 - 5.1.9.3. тегишли хизматни тақдим этувчи Банк офислари орқали.
- 5.1.10.** Мажбурият ва ушбу шартномат шартларини ўз зиммисига олган ҳолда, ўз фарзандига янги МСКХР ёки мавжуд асосий МСКХРга боғланган ҳолда карта очиш.
- 5.1.11.** Токен Карта эгаси томонидан мобил қурилмадан мустақил равишда ўчирилиши мумкин.
- 5.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**
- 5.2.1.** МКХР бўйича минимал баланс миқдорини бир томонлама ўрнатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш. Минимал баланс тўғрисида маълумот ва уни қўлланиши шартлари тўғрисида маълумот Банк тарифларида келтириб ўтилган.

- 5.2.2.** Карта ёрдамида операциялар бўйича чеклов ўрнатиш ва чекловларни ўзгартириш. Банк ўз ихтиёрига кўра исталган вақтда картадан фойдаланган ҳолда операциялар, хизмат ва функциялар мажмуини ўзгартириш.
- 5.2.3.** Карта эгаси ариза берилган пайдан бошлаб 6 (олти) ойдан ортиқ муддат давомида Картани олиш учун Банкка ташриф буюрмаса, Банк картани бекор қилишга ҳақли. Картани бекор қилиш санасидан олдинги давр учун Карта эгаси томонидан тўланган ҳақ қайтарилмайди..
- 5.2.4.** Шартнома шартлари, Тарифлар ва Банкнинг Картадан фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришларни Банкнинг таркибий бўлинмаларидаги ахборот деворларига ва/ёки Банкнинг Интернет тармоғидаги веб-сайтига тегишли маълумотларни жойлаштириш йўли билан Карта эгасини мазкур ўзгаришлар кучга киришидан 10 календар кундан аввал хабардор қилган ҳолда киритиш.
- 5.2.5.** Карта эгасидан билдиришнома олганда картадан ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланишни тўхтатиб туриш, чеклаш ёки тўхтатиш, ва/ёки карта бўйича операцияларни блокировка қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:
- Карта эгасининг ташаббуси билан: Карта эгасининг ёзма аризаси ва / ёки хабарномаси асосида;
 - Шартнома шартлари бузилган тақдирда: ушбу шартнома шартлари ва/ёки Банк картасидан фойдаланиш қоидалари Карта эгаси томонидан бузилган тақдирда;
 - Фирибгарликда гумон қилинган тақдирда: агар картадан фойдаланган ҳолда тақиқланган операциялар ёки Карта эгаси томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги тўғрисида асосли шубҳалар мавжуд бўлса;
 - Техник сабабларга кўра: картанинг хавфсиз ишлашига тўсқинлик қиладиган техник носозликлар бўлса;
 - Ваколатли органларнинг қарори билан: агар тегишли қарор ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинган бўлса;
 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 5.2.6.** Техник овердрафт юзага келган тақдирда карта(лар) ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб операцияларни амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш, Карта эгаси Банк олдидаги қарздорлигини қоплагандан сўнг қайта ишга туширилади
- 5.2.7.** Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя қилиш мақсадида карта операцияларининг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи қўйидаги ҳужжатларни Карта эгасидан талаб қилишга ҳақли:
- Карта эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;
 - Карта операциялари учун ишлатиладиган маблағларнинг келиб чиқиш манбасини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.
- 5.2.8.** Карта эгасига берилган реквизитлар бўйича ахборот СМС хабарларини юбориш.

- 5.2.9.** Карта эгаси томонидан ушбу шартнома талаблари бузилган тақдирда, Банк томонидан бир томонлама тузилган шартномани бекор қилиш ва картани блоклаш.
- 5.2.10.** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан мижозлар томонидан республика банкларидаги ҳисобварақларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда банк томонидан шартнома шартларига бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

6. МКХР БЎЙИЧА КОМПЛАЕНС ЧОРАЛАР

- 6.1.** Карта эгаси ҳисобрақам очишда қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:
- 6.1.1.** Шартнома бўйича Банк ўзининг бошқа ҳуқуқларига қўшимча равишда Карта эгасининг транзакцияларини амалга оширишни кечиктириши ва қўшимча равишда текшириш ҳуқуқига эгалигини карта эгаси тан олади;
- 6.1.2.** Банк амалга ошириладиган транзакцияни (пул маблағларининг келиб чиқиш манбаси, транзакциянинг қонунийлиги ва асослилиги ва бошқалар) тўлиқ ўрганиш учун Карта эгасига сўровнома юборишга ҳақли, ўз навбатида Карта эгаси қисқа муддат ичида барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- 6.1.3.** Банк амалга ошириладиган транзакциялар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ қонун ва қоидаларни бузиши мумкинлигини белгилайди.
- 6.2.** Банк қуйидаги ҳолатларда Карта эгаси томонидан амалга ошириладиган транзакцияни тўхтатиб қўяди (рад этади):
- 6.2.1.** агар Карта эгасининг транзакцияси Банк томонидан қўшимча ўрганилиши учун зарурат юзага келганда;
- 6.2.2.** агар Карта эгасининг транзакцияси халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар доирасига кирса;
- 6.2.3.** агар Карта эгаси транзакцияси санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида амалга оширилган бўлса;
- 6.2.4.** агар транзакция Банкнинг фикрига кўра шубҳали деб ҳисобланса ва/ёки ҳукумат, халқаро иқтисодий ва молиявий санкцияларни четлаб ўтиш белгиларига эга бўлса.
- 6.3.** Агар Карта эгаси томонидан амалга ошириладиган транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва Банкнинг ички қоидаларини бузмаётганлиги Банк томонидан белгиланса, шунингдек мазкур транзакциялар иқтисодий санкцияларга тушмаса (уларни четлаб ўтиш йўллари бўлмаса), Банк транзакцияларни амалга ошириш учун аввал ўрнатилган вақтинчалиқ чекловни бекор қилади.
- 6.4.** Агар Мижозга ҳисоб рақам очишда ҳамда ҳисоб рақам орқали амалга оширилиши кўзда тутилган операциялар оқибатида Банкка нисатан иқтисодий санциялар қўлланиш хавфи юзага келган тақдирда Банк Мижозга ҳисоб рақам очишни ва операцияларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.
- 6.5.** Агар Банк томонидан Карта эгасининг ҳисоб рақами ноқонуний транзакцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиганлиги ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, шунингдек мазкур транзакция

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк ички қоидалари, ҳамда даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қонунчилигини бузса, шунингдек иқтисодий санкцияларга тушиб қолса, Банк мазкур транзакцияни бир томонлама тўхтатиб қўйиш ва Карта эгаси манзилига хабарнома жўнатиб, ҳисобрақам бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6.6. Карта эгасининг ҳисоб рақами бўйича амалиётлар Банк томонидан тўхтатиб қўйилгандан сўнг 30 календар кун ичида Карта эгаси ҳисоб рақамни ёпиш ва шартномани бекор қилиш бўйича Банкка ариза топшириши керак.

6.7. Карта эгаси банк ҳисоб рақами очиш жараёнида тақдим этилган манзилга Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш юборилган санадан 30 календар кун ўтгандан сўнг Шартнома бекор қилинган деб топилади, бунда Карта эгаси томонидан банк ҳисоб рақамини ёпишга ариза топширилиши таълаб этилмайди.

7. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

7.1. Карта эгасига очилган МКХР тўлов тизими имкониятидан келиб чикган ҳолда ҳорижий валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютада юритилади.

7.2. Банк МКХРга хизмат кўрсатишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ХТТ қоидалари, ушбу шартнома шартлари, банк картасидан фойдаланиш қоидалари ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

7.3. МКХР ҳисобини тўлдириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ нақд пул ёки нақд пулсиз тўлов йўли билан амалга оширилади.

7.4. Агар Тарифларда бошқача тартиб кўрсатилмаган бўлса, МКХРдаги ҳар кунлик қолдиқ пул маблағларига фоизлар ҳисобланмайди.

7.5. Картани чиқариш/қайта чиқариш ва Карта/МКХРнинг амал қилиш муддати давомида унга хизмат кўрсатилганлиги учун Карта эгаси амалдаги Тарифларга мувофиқ ҳақ тўлайди.

7.6. Агар карта бўйича амалга оширилаётган операция валютаси МКХР валютасидан фарқ қилса, маблағлар операция амалга оширилаётган кунда ёки операция (транзакция)нинг молиявий тасдиқланиш келиб тушган санада амалда бўлган Банк («Ориент Финанс» ХАТБ) томонидан белгиланган ёки ХТТ курси бўйича МКХР валютасига конвертация қилинади.

7.7. Карта эгаси Банкка амалдаги қонунчиликка, мазкур шартнома шартлари, амалдаги Тарифларга мувофиқ Карта/МКХР бўйича амалга оширилган барча операциялар бўйича Банк олдида юзага келган банк комиссиялари, қарздорлик, жарима, Техник овердрафт суммаси ва бошқа суммаларни Карта эгасининг МКХРда сақланаётган пул маблағлари ҳисобидан шартсиз ва чақириб олинмайдиган тарзда Карта эгасининг розилиги ва қўшимча топшириғисиз ечиб олиш ҳуқуқини беради ва бунга ўз розилигини (олдиндан олинган акцепт) билдиради.

7.8. МКХР бўйича тўловлар Карта эгасининг идентификация воситалари орқали тасдиқланган розилиги асосида карта ва/ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

- 7.9. Тўлов тизимининг талабига биноан барча (VISA) халқаро банк карталари (NFC) контакtsiz тўлов технологиясини қўллаб-қувватлаши керак.
- 7.10. Токенлаштириш технологияси ва NFC модулидан фойдаланган ҳолда мобил телефони орқали тўлов мавжуд бўлганда, банк карталари мижознинг хоҳишига биноан пул маблағларини тўлаш ва ечиб олиш учун ушбу тизимларга уланиши мумкин.
- 7.11. Токен олти (6) йилгача бўлган муддатга берилади.
- 7.12. Тўловларни амалга оширишда Карта эгасининг розилигини олиш ва тасдиқлаш тартиби ва усуллари:
- Карта эгаси тўловни амалга ошириш учун Карта PIN-кодини тиради ва/ки унинг реквизитларидан фойдаланади.
 - Муаллифлаштириш (авторизация) тартиботи ўтказилади.
 - Банк Карта эгаси олдиндан берган акцептга асосан тўловларни МКХР ҳисобидан пул маблағларини чиқариш орқали амалга оширади.
- 7.13. Банк Карта эгасининг МКХРдан қуйидаги маблағларни унинг топшириғисиз ва розилиғисиз ечиб олади:
- 7.13.1. Карта(карталар) ва/ёки реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган операция суммаларини;
- 7.13.2. МКХРга хизмат кўрсатилганлик учун ҳақларни (фоизлар, жарима, ҳаражат ва бошқа тўловлар);
- 7.13.3. Агар Банк Тарифларида абонент тўлови (ҳар ойлик ёки йиллик) назарда тутилган бўлса, абонент тўловини бўнак сифатида;
- 7.13.4. Техник овердрафт суммаси;
- 7.13.5. Банк ёки учинчи шахслар айби билан МКХРга нотўғри кирим қилинган суммалар;
- 7.13.6. Мазкур шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва шартларда мазкур шартнома ҳамда Банк ва карта эгаси ўртасида тузилган бошқа шартномалар бўйича Банк олдидаги қарздорлик суммаси, шунингдек қарздорликни ундириш билан боғлиқ бўлган Банк ҳаражатлар ва жарималар суммаси, ҳамда Карта эгасининг бошқа пул мажбуриятлари;
- 7.13.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ундириладиган суммалар, шу жумладан тегишли давлат органларининг қарори билан ундириш лозим бўлган суммалар;
- 7.13.8. ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган суммалар;
- 7.13.9. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк билан Карта эгаси ўртасида тузилган шартномалар талабларига мувофиқ бошқа суммалар.
- 7.14. Агар ушбу шартномада кўрсатилган суммаларни ундириш учун пул маблағлари бўлмаса ёки етарли бўлмаса, Карта эгасининг Банкда очилган ҳар қандай ҳисобварағидан ундириб олинади. Бу ҳолда Банк Карта эгасининг МКХРда сақланаётган пул маблағларини (миллий ва хорижий валютада) Банк олдида юзага келган қарздорлик суммасини қоплаш учун етарли бўлган миқдорда мустақил равишда ечиб олади.

8. “VISA INFINITE” ВА “MASTERCARD WORLD ELITE” ПРЕМИУМ КАРТАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ МИЖОЗЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

- 8.1. Мазкур бўлимда назарда тутилган шартлар ва имтиёзлар фақат Visa Infinite ва MasterCard World Elite премиум карта Эгаларига татбиқ этилади/қўлланилади.
- 8.2. Банк премиум карталар ишлатиш шартлари ва бошқа маълумотларини www.ofb.uz сайтида жойлаштиради.

- 8.3.** Премиум картанинг афзалликлари ва ундан фойдаланиш шартлари:
- бутун дунё бўйлаб ҳамкорлар томонидан чегирмалар ва эксклюзив таклифлар тақдим этилади;
 - **Консьерж-хизмати** – 24/7 режимида бутун дунё бўйлаб турли хил хизматларни (мехмонхона, ресторанларни бронлаш, авиачипталарни сотиб олиш ва бошқалар) олиш ва ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатиш. Консьерж (<https://app.konsierge.com/lite.html>) чат-боти 4 та мессенджернинг бирида (WhatsApp, Telegram, Viber, Facebook) 24/7 режимида (дам олиш кунларисиз ва байрам кунларисиз) фаолият юритади.
 - **Loungekey** – бутун дунё бўйлаб халқаро аэропортларнинг бизнес-залларига устивор кириш имконияти, шунингдек аэропортларда жойлашган duty-free ва дўконларда, ресторанларда тақдим этиладиган махсус таклиф ва чегирмалар. Аниқ бир аэропортдаги мавжуд бизнес-залларни ва таклифларни www.loungekey.com/orientfinansbank ҳаволаси орқали ёки Loungekey мобил иловаси орқали текшириб кўриш мумкин. Бир йил давомида мазкур карта эгаларига 2 (икки) марта бизнес-залларига бепул кириш имкони тақдим этилади. Кейинги киришлар учун алоҳида тўлов ундирилади.
- 8.4.** Премиум карталар бўйича амалдаги чегирма ва таклифларни хизмат кўрсатувчи банк ходимидан ёки www.ofb.uz сайтидан олиш мумкин.
- 8.5.** Премиум карталар бўйича амалдаги таклиф ва дастурларни учинчи томонлар етказиб берадилар (кейинги ўринларда – хизматларни етказиб берувчилар). Мазкур жараёнда банк ўртадаги томон сифатида қатнашади ва тегишли хизмат ва унинг сифатига жавоб бермайди.
- 8.6.** Премиум карталар бўйича келтириб ўтилган таклиф ва дастурлар бўйича Мижознинг эътирози юзага келган тақдирда, Мижоз Банкка ёзма равишда мурожаат этади ҳамда Банк хизматларни етказиб берувчилар билан ҳамкорликда мурожаатни кўриб чиқади. Бундай ҳолатларда Банк ўртадаги томон сифатида иштирок этади ва натижаси бўйича жавобгарликни олмайди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 9.1.** Томонлар шртнома шартларини бузганлик учун қонунчилик ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 9.2.** Асосий Карта эгасининг хабарисиз қўшимча карта орқали товар ва хизматлар учун амалга оширилган тўловлар учун Банк жавобгар бўлмайди.
- 9.3.** Карта эгаси Банкка ишончли(ҳақиқий) бўлмаган маълумот берганлиги учун жавобгар бўлади.
- 9.4.** Карта эгаси Карта ва/ёки ундаги маълумотлардан учинчи шахслар фойдаланиши (жумладан Интернет тармоғида операцияларни амалга ошириш ва маълумотларни узатиш), Карта эгаси қасддан ёки Банкнинг картадан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда эҳтиётсизлиги натижасида амалга оширилган операциялар ва уларнинг оқибатлари учун моддий жавобгар бўладилар.
- 9.5.** Карта йўқотилган (йўқолган ёки ўғирланган) тақдирда Банк томонидан банк картаси йўқолганлиги ҳақида ёзма мурожаат олингунга қадар, учинчи шахслар томонидан картадан фойдаланиб амалга оширилган барча операциялар учун Карта эгас жавобгардир.

- 9.6.** Карта ёрдамида унинг PIN-кодидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар Карта эгаси томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади ва бу бўйича эътирозлар кўриб чиқилмайди.
- 9.7.** Банк ўз назорат ташқари бўлган ва тўлов тизимлари, алоқа тизимлари, ҳисоб-китоб, маълумотларга ишлов бериш ва узатиш тизимларининг ишида узилишлар бўлиш ҳолатларида юзага келган низоли вазиятлар учун, шунингдек Карта эгасининг, яъни: Карта ва/ёки унинг реквизитлари, ва/ёки PIN-коди учинчи шахсларга бериш, Картани PIN-код билан биргаликда сақлаш, ҳамда мазкур Шартноманинг шартларига зид равишда бошқа айбли ҳаракатлари оқибатида юзага келган ҳолатлар учун жавобгар бўлмайди.
- 9.8.** Карта эгаси Карта ва PIN-код, ҳамда бошқа реквизитларни хавфсиз тарзда сақлаш учун масъул ҳисобланади.
- 9.9.** UZCARD ёки HUMO тизимларининг иш фаолиятида бошқа ташкилотларнинг (ЯУПМ ёки МБПМ) айби билан тўхтаб қолиш ҳолатлари учун Банк жавобгар бўлмайди.
- 9.10.** Карта эгаси учинчи шахсларга шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкора этганда, шахсан ўзи маъсул ҳисобланади.
- 9.11.** Томонлар мазкур шартнома шартларини тўлиқ ёки қисман бажармаслик ушбу шартномага қўшилгандан кейин енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муқаррар ҳолатлар натижасида вужудга келган бўлса, жавобгарликдан озод қилинадилар.
- Бундай ҳолатларга ҳарбий ҳаракатлар, оммавий тартибсизликлар, табиий офатлар ва иш ташлашлар, давлат ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш имкониятини чекловчи маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари, шу жумладан учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари, шунингдек, халқаро тўлов тизимлари фаолиятини учинчи шахсларнинг айби билан тўхтатиб туриш ёки узилишлар, техник носозликлар (электрэнергияси узатишдаги узилиш, алоқа йўқлиги) натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар ва бошқа исталган турдаги Банкнинг оқилона назоратидан ташқарида бўлган вазиятлар киради.
- Бу турдаги ҳолатларнинг юзага келганлигининг далили бўлиб тегишли ваколатли органлар томонидан берилган сертификатлар хизмат қилади. Агар Банк ва/ёки Карта эгаси учун мазкур шартларда назарда тутилган мажбуриятни бажара олмаслик ҳолати юзага келган тақдирда Банк ва Карта эгаси бир-бирини уч кунлик муддат ичида енгиб бўлмайдиган куч ҳолати юзага келганлиги ва/ёки тугалланганлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.
- 9.12.** Банк Карта эгасининг МКХРга жойлаштирилган маблағларининг бут сақланиши учун жавобгар бўлади ва Карта эгасига мазкур Шартнома, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ХТТ қоидаларига мувофиқ маблағларни қайтариб берилишини кафолатлади.
- 9.13.** Банк учинчи шахслар томонидан кўрсатиладиган агар бундай хизматларни кўрсатиш учун Карта бўлиши зарур бўлган хизматлар ёки уларнинг сифати учун Карта эгаси олдида жавобгар бўлмайди.
- 9.14.** Банкдан ташқари тўлов тизимларида амалга оширилган транзакциялар, шу жумладан юзага келган қарздорликларни қопланишлари учун Банк жавобгар бўлмайди, томонларнинг тегишли мажбурияти ва

жавобгарлиги тўлов тизимлари томонидан тақдим этилган алоҳида ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

- 9.15.** Агар МКХР тўғрисидаги маълумотлар ва/ёки Карта эгаси тўғрисидаги конфиденциал маълумотлар ёки Карта эгаси томонидан амалга оширилган операциялар бошқа шахслар томонидан яширин тарзда эшитиб олинган, ундан фойдаланиш пайтида алоқа каналлари орқали қўлга киритилган ёхуд Карта эгаси маълумотларни сақлаш ва ундан фойдаланиш шартларига амал қилинмаган тақдирда Банк жавобгар ҳисобланмайди.
